

تائىگ يولدوزى

№ 2

(6474).
1992 йил,
11 ЯНВАРЬ
ПАҢБА.
Баҳоси
5 тийин.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

● Россия Президенти Б. Ельциннинг 19 декабрдаги давлат хавфсизлиги билан ички ишлар вазирлигини қўшишдан норози бўлган «КГБ»чилар бирин-кетин ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзмоқдалар.

● Россия парламенти нархлар комиссияси раиси В. Жениннинг айтишича, яқинда 5 ва 10 минг сўмлик пуллар муомалага чиқарилар экан.

● Шукрулло Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон Президенти фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат котиби этиб тайинланди.

● Мустақиллик эришилгач, Арманистонда қазиб олинган дастлабки 13,5 килограмм олтин Президент Левон Тер-Петросян қўлга топирилди. Шу тариқа миллий олтин жамғармасига асос солинди.

● Ўзбекистон Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунни 1992 йил 1 январдан бошлаб қучга киритиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

● Оврўпода мусулмонлар сони 25 миллиондан ортиқ. Шунинг 80 фозга яқини бевосита дин ишлари билан шуғулланадилар. Олмонияда мусулмонлар сажда қиладиган 368 масжид бор.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ ВА УСМИРЛАРИНИНГ РЎЗНОМАСИ

РЎЗНОМА 1929 ЙИЛ, 1 АВГУСТДАН «ЛЕНИН УЧҚУНИ» НОМИ БИЛАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» ЎЗ ҲИСОБИНИ ОЧДИ

Бозорга келиб, мева-чева харид қилмоқ учун оддий қоғоз халтани нақд 20-30 тийинга сотиб оласиз. Унлаб кишиларнинг сермашаққат меҳнати, сарфланган катта харажатлар орқали қўлингизга келиб тушган «Тонг юлдузи» эса атиги 5 тийин туради. Кўриб турибсиз — ўртадаги фарқ осмон билан ерча.

Неча йиллар давомида миллион сўмлаб фойда келтирган «Тонг юлдузи» бугун зарар келтирадиган нашрга айланиб қолди. Агар асосий хом-ашё ҳисобланган қоғоз нархи, чоп этишга сарфланаётган харажатлар, нашрларни жойларга элтиш қиймати бир неча баробар ошмаганида эди, 346 минг нусхада чиқаётган «Тонг юлдузи» бу йил ҳам юз минг сўмлаб фойда келтириши муқаррар эди. Сиз, болаларга, оғир бўлмасин деб газетамиз нархини энг арзон қилиб белгиладик. Йўқ, бунга сира афсус қилмаймиз. Ахир, яхши кунлар ҳам келар. Мустақил юртимиз эртаминдин бой-бадавлат бўлиб, унинг болалари музқаймоққа йиғиб қўйган пулига эмас, ишбилармонлик билан тўплаган жамғармасига обуна бўладилар.

Мавжуд иқтисодий тангликдан чиқиш мақсадида «Тонг юлдузи» жумҳурият банкларидан бирида ўз ҳисобини

очди. Унга ҳамма хоҳлаган қийматда пул ўтказиши мумкин. Шунингдек, туғилган кун учун берган табригингизга тўланадиган пул ҳам, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларнинг реклама ва эълонларидан олинадиган маблағ ҳам шу ҳисобга ўтказилади. Йирик жамоа хўжаликлари, тижорат билан шуғулланувчи муассасалар эса бизга ҳомийлик қилишлари мумкин. Ўз вақтида биз ҳам газетамиз саҳифаларида уларнинг фаслиятларини кенг-роқ ёритиш, жойларда таниқли шоир ва адиблар, санъаткорлар иштирокида қизиқарли учрашувлар ўтказиш каби мажбуриятларни оламиз.

«Тонг юлдузи» ҳисобига хайрия қилган барча кишиларни, корхона, ташкилот, жамоа хўжаликларининг номларини газетамиз саҳифаларида доимо эълон қилиб борамиз.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз:
ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ-НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БУЛИМИ. ҲИСОБ РАҚАМИ: 000363805, КОД 172682328, КОРР. СЧЕТ: 300166428.



Утаётган кунларимизнинг қийинчиликлари келажакимиз давомчиларини ҳам қийнаб қўймаслиги учун ҳукуратимиз болаларга катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Аммо шундай бўлса ҳам ҳаётимиз, айниқса, шўх, ўйинқароқ болаларнинг ҳаёти тасодифларга тўла. Катталар доимо бундай бахтсиз ҳодисалар, тасодиф ва фожеаларнинг олдини олишга ҳаракат қилишади. Бу ишда эса уларга суғурта хизматни ходимлари доимо кўмаклашишади.

1986 йилдан бошлаб аҳолига суғурта хизмати кўрсатиш турлари анча кўпайди. Уй-жой, турли объектлар, мол-мулк ва шунга ўхшаш суғурталар қаторига

мактаб ўқувчиларининг ва транспорт бошқарувчиларининг ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш ҳоллари ҳам қўшилди. Суғуртанинг бу тури мактаб маъмуриятларини, оналарни қизиқтириб қолди. Туманимизнинг Ибн Сино, Тельман, Ал-Хоразмий, Чернишевский, Ойбек, Қ. Ниёзий, Островский, Лоба-

йилги об-ҳавонинг ноқулай келганлиги туфайли кўпгина қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етди. Туманимиздаги 4 минг гектар пахта, 34 гектар полиз экинлари, 45 гектар сабзавот экинлари, 78 гектар макка, 13 гектар лавлаги қайта экилди. Бундай зарарни қоплаш учун бир миллион 238 минг сўм ёрдам кўрсатилди.

ЁМОННИ ЎЙЛАМАГУНЧА...

чевский, Навоий номидаги каби кўплаб мактаблардан жами 2099 нафар ўқувчи 5 минг сўмга суғурта қилинишди. Аммо туманимизда 34 та мактаб фаолият кўрсатиб, уларда меҳнаткашларнинг 11 мингдан зиёд фарзандлари таълим олишади. Ҳали кўп ота-оналар, мактаб маъмуриятлари аҳолига хизмат кўрсатишнинг бу усулидан кенг фойдаланишни, фойдали ишдан баҳраманд бўлишни билмайдилар.

Аммо ўзингиз бир таҳлил қилиб кўринг: бу

Бу рақамларни келтириб ўтишимдан асосий мақсад бизнинг суғурта хизматимиз барча кишилар манфаатини кўзловчи, уларга фақат фойда кўрсатувчи муассаса эканлигини тушунтириб ўтишдир.

Авваламбор, хонанингизда доимо тинчлик бўлсин, ҳеч ғам-ташвиш кўрманг. Лекин, ўзбекда бир гап бор: ёмонни ўйламагунча, яхшилик бўлмайдди. Бу эса ҳар бир ишнинг олдини олиш демакдир.

Усмон ШАРИПОВ,
Пешку туманидаги суғурта давлат идораси бошлиғи.

УЧИНЧИ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЧОРАК ДАВОМ ЭТМОҚДА



Гулистон шаҳридаги 3-мактабнинг кўпгина машғулот хоналари замонавий техникалар билан жиҳозланган. Бу нарсани бугунги кун ўқувчиси учун айнан зўр имкониятдир.

СУРАТДА: шу мактабнинг 7-синф ўқувчиси Нилуфар Тожиқулова инглиз тилидан дарсга жавоб бермоқда.

Р. АЛБЕКОВ суратга олган.

ҒОЛИБЛАРНИ
ЯНА БИР БОР
ҚУТЛАЙМИЗ!



Азиз муштарийлар! Эсингизда бўлса, ўтган йил бошида ташкилотимизнинг янги нишонини яратиш мақсадида «Энг яхши нишон учун» конкурсини эълон қилган ва маълум сабабларга кўра ғолибни аниқлай олмаган эдик. Конкурсада фаол иштирок этган 20 нафар киши рағбатлантирувчи мукофот — «Ленин учқуни»га бир йиллик обуна билан мукофотланишган эди. Конкурс ташаббускори — Ўзбекистон Болалар ва Усмирлар Уюшмаси ушбу мукофот учун пул ажратган эди. Аммо обуна қилиш, унинг нархи тўғрисида йил охирида бироз англашилмовчиликлар бўлиб, биз ушбу 20 нафар боланинг январь ойидан рўзномани олишларига эриша олмадик. Аммо эртаиндин қўлингизга обуна варақчасини, 1 февралдан эса «Ленин учқуни» — «Тонг юлдузи» рўзномасини ола бошлайсиз.

Ғолибларни яна бир бор қутлаб, кейинги ишларида омад тилаймиз.

Юлдузимизга ишонаман

Ҳар сафар почта қутисидан рўзномаларни оламану, ичидан «Ленин учқуни»ни танлаб, қолганини дадамларга бераман. У мен учун қадрдон, сеvimли. Уч йилдан буён ўқиб келаман.

Бугун эса унинг номи «Тонг юлдузи» деб ўзгарибди. Табриклиямиз. Ғолибларга рўзнома унинг 80 йилдан ошқан давр мобайнидаги фаолият қилинишини давом эттириб, ривожлантириб боради. Ўқувчилар қўлингизга мос, уларнинг дардларига шери бўладиган мақолалар чоп этади. Мен бунга ишонаман.

Дилёра ТўЗАГАНОВА,
Тошкент шаҳридаги 116-мактаб ўқувчиси.



БОЛАЛАР МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИ «ТОНГ ЮЛДУЗИ» НАЗОРАТИДА

ШАҲЛОНИНГ ҚУҚҚИСДАН оғриб қолгани оила аъзоларини ташвишга солди. Унинг ҳарорати кўтарилиб кетди. Тезда туман марказий шифохонасига олиб келишди. Ҳақимлар буйрак ёнига қон тўпланган, деб унинг биқинига муз қўйишди. Лекин Шахло соғайиш ўрнига баттар азоб чекарди. Шундан сўнг беморнинг дадаси Малик ака Бойматов қизини Марғилон шаҳридаги вилоят 2-туманлараро болалар шифохонасининг жарроҳлик бўлимига олиб борди. Бу ердаги шифокорлар қизчани буйраги ёнида йирингли яра борлигини, зудлик билан операция қилиш кераклигини айтишди.

Операция ғоят оғир бўлишига қарамай муваффақиятли ўтди. Операциядан сўнг Шахло икки кун шифохонанинг реанимация бўлимида ётди. Жарроҳ Султонғози Сайдалиев шу кунлар ичиде қизчанинг ёнидан жилмади. Бор билимини ишга солиб, унинг саломатлиги учун курашди.

Қисқа фурсатда Шахло соғайиб, ота-онасининг бағрига қайтди. Малик ака ва унинг оила аъзолари қизчанинг ҳалоскори Султонғози акадан беҳад миннатдор бўлишди.

С. Сайдалиев ўз фаолияти давомида шу қизча каби жуда кўп болаларни даволаб, ҳаётга қайтарган. Докторнинг қўлида шифо топган кичкинтойларнинг ота-она-



ҲАР БИР КУНИ ЖАСОРАТ

лари уни «туғма доктор, қўли бундан ҳам енгил бўлсин», дея алқашади.

С. Сайдалиев Самарқанд Давлат тиббиёт илмгоҳини имтиёзли тамомлаб қайганда унга Андижон тиббиёт илмгоҳига йўлланма беришди. Икки йил ана шу жойда ишлаб, 1983 йилда Фарғона вилоят болалар шифохонасининг жарроҳлик бўлимига ишга келди. Тажрибали жарроҳ Исмоил ака Жалилов ёрдамида назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлади.

Шундай бўлса-да яна ҳам тажрибасини оширишга интилди. Тошкент, Москва, Киев шаҳарларидаги шифокорлар малакасини ошириш курсларида таҳсил олиб қайтди. Юзлаб мураккаб ва оғир операцияларни муваффақиятли ўтказиб, бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш зое кетмади. Ҳозирда у вилоят болалар шифохонасининг етакчи жарроҳларидан бири. I-тоифадаги жарроҳ даражасининг соҳиби.

1988 йилда Марғилон шаҳар болалар шифохонаси қошида вилоят болалар шифохонасининг 2-туманлараро бўлими ташкил қилиниб, унга тажрибали жарроҳ С. Сайдалиев мудир этиб тайинланди.

— Бўлимимиз шифокорлари Марғилон шаҳри, Охунбобоев, Езёвон, Фарғона, Тошлоқ, Олтиариқ туманлари аҳолиси учун тиббий хизмат кўрсатишади, — дейди Султонғози ака. — Бизга муржаат қилганлар учун ўз вақтида ёрдам кўрсатиш имкониятига эгамиз. Чунки бўлимимизда тиббиётнинг замонавий асбоб-ускуналари ва уларда ишловчи малакали мутахассислар етарли.

Тажрибали жарроҳ билан суҳбатлашар эканман, унинг қўлларига эътибор бердим. Узун, нозик бу бармоқлар минглаб болалар ҳаёти посбони. Унинг онг, мия билан биргаликдаги ҳаракатига эса кўпгина беморларнинг тақдири боғлиқ. Буни Султонғози аканинг ўзи ҳам яхши тушунади.

— Умримнинг мазмуни шу гўдаклар ҳаётини узайтириш, сақлаб қолиш, — дейди у.

Ниятингизга етинг, шифокор!

Азимжон ХУДОЙҚУЛОВ,
Фарғона вилояти. Т. КАРИМОВ суратга туширган.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУХБИР ЯПОНИЯ ҲАҚИДА

Японияда ҳар йили икки маротаба бутун мамлакатнинг диққат-эътиборини ўзига қаратувчи мактаб ўқувчилари ўртасида умуммиллий чемпионат ўтказилади. Мусобақани эрталабдан кечгача ойна жаҳон орқали кўрсатишади — кундалик ҳаётнинг бош



ИККИ ХИЛ ЁНДОШИШ

мавзуси бўлиб қолади. Бу — бейсбол бўйича Осакадаги Косизен стадионида мусобақа ва волейбол бўйича Токио чемпионати. Токионинг Сэндегая шаҳри бекатида жойлашган ёпиқ майдон атрофи мусобақа вақтида автобуслар билан тўлиб кетади, чунки ҳар бир волейбол командаси билан бирга юзлаб, минглаб ишқибозлар ҳам келади. Уларнинг кўпчилиги чемпионатга мамлакатнинг узоқ бурчакларидан атайин етиб келишади. Анъанавий япон удумига кўра ишқибозлар хайрихоҳлар командасини ташкил этишади. Бу япончасига «озндан» деб аталади. Майдонда икки команда курашаётганида «озндан»ларининг бўйлари барабар туришади. Мактаб қора мундирлари фониде пешоналарига оқ мато танғиб олган, баъзан ўртасида Қуёш Чикар қизил доирали узун тасмалари ажралиб ту-

ради (Бу — самурий матонатининг рамзи). Бор кучлари билан ғалаба шарафини зам-зама билан айтишади, оҳангли тезкор қўшиқларни куйлаб, мактаб байроқларини ўйнатишади.

«Озндан» командалари ҳар бир мактаб, дорилфунунда бор. Улардаги машғулот — спорт бўлимига қатнашгандек гап. Бошқа спорт бўлимларидан «озндан» ўзининг қаттиқ интизоми ва янги аъзолари клубининг катта аъзоларига сўзсиз итоатлари билан фарқ қилади. Японияда мактаб командаларининг ўлка ёки умуммиллий мусобақалардаги ютуғи ҳеч вақт бефарқ қолдирилмайди. Қисқача хулоса қилиб айтганда, Япония мактабларида спорт таълими аъло йўлга қўйилган.

ЯПОНИЯЛИК МУХБИР
ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА
Ўзбекистонда ҳар йили жумҳурият ўқувчилари ўртасида

спартакиада ўтказилади. Спартакиада мусобақалари асосан Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида ўтказилиб, жумҳурият аҳолисида деярли қизиқиш уйғотмайди. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчиси — тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Радио, телевидение ва газеталар спартакиада қатнашчилари ҳақида қуруққина икки оғиз маълумот бериш билан чекланадилар. Иккинчиси — Ўзбекистондаги ҳаддан зиёд кўпчилик мактабларда спортга эътибор мутлақо йўқ ҳисобида. Спорт заллари баъзи мактабларда умуман йўқ, борлари эса деярли хароб аҳволда. Спорт анжом-ускуналари билан ҳеч бир мактаб ўз ўқувчиларини тўлиқ қондирмаган. Учинчиси мусобақа қатнашчилари Тошкентга келар эканлар, ўзларининг санокли ишқибозларидан узилиб қоладилар. Тошкентда йиғилгуларига қадар ташкилий масалаларда кўплаб тўсиқларга учрайдилар. Моддий таъминот ҳам етарли эмас. Ана шу юқорида келтирилган сабабларга кўра спартакиадалар Ўзбекистонда қизиқарсиз ўтади. Қайта қуришдан илгариги даврларда эса мактаб ўқувчиларини мажбурий равишда стадионга олиб келинарди.

Қисқача хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон жумҳуриятида спорт таълими жуда заиф йўлга қўйилган.



ЯНГИ МАКТАБГА ЯНГИ НОМ

Челак туманидаги 8-мактаб энг «кекса» илм масканларидан ҳисобланар эди. Бу йил унинг қурилганига 60 йил бўлди.

Яқинда Қуйбишев номи жамоа хўжалиги бошқаруви мактаб учун 834 ўринли замонавий бино қуриб берди. Қурилиш жуда тез вақт мобайнида тугатилди.

Мактабнинг очилиши маросимига бағишланган йиғилиш иштирокчилари мактабнинг биринчи ўқитувчиси, уни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган инсон, марҳум Алиқул Ўсаров номини янги мактабга беришни таклиф қилдилар. Шундай қи-

либ, янги маскан янги ном билан атала бошланди.

Пўлат ЖАЛИЛОВ,
8-мактаб ўқувчиси.

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Яқинда Чортоқ шаҳар маданият саройида «Сиз Навоийни қай даражада биласиз?» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда туманимиздаги адабиёт фанидан энг билимдон ҳисобланган ўқувчилар беллашишди. Шу боис танлов жуда қизиқарли ўтди. Ҳолибликни тумандаги 6-мактабнинг IX «В» синф ўқувчилари М. Юсупов ва У. Муллабоев қўлга киритишди. Уларни Чортоқ шаҳар маданият бошқармаси бошлиғи, шоир Ҳабиб Садулла табриқлаб, биринчи ўринга эришган У. Юсуповга 150 сўм ва иккинчи ўрин соҳиби У. Муллабоевга 100 сўм пул муқофотлари ва Фахрий ёрлиқларни топширди.

Дилором ТОПИЛДИЕВА,
Чортоқ туманидаги 6-мактаб ўқувчиси.

СЕҲРГАР ЭКАН

Учинчи синфдан бошлаб бадний китоблар ўқиб, завқ шавқ оладиган бўлдим. Шундан буён мактабимиз кутубхонасига аъзоман.

Адабиёт дарслигимизга киритилмаган бир қанча ўзбек шоирлари ижоди билан ҳам танишдим. Усмон Носир, Чўлпон, Абдулла Орипов, Муҳаммад Солиҳ кабилар шулар жумласидан.


Бундай ажойиб китобларни танлашда менга ёрдамлашган кутубхоначимиз Орзугул опа Тиллаева хизматларидан миннатдорман.

Китобга ишқим тушганлигидан хурсандман. Бежиз «Китоб-сеҳргар. Унда одамзоднинг ақли мужассам, у кишилик тафаккури устун» дейилмаган экан.

Гулзода
ХУДОИНАЗАРОВА.

Шофиркон тумани, А. С. Макаренко номидаги мактаб ўқувчиси.

ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК...



ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

● 214-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Шаҳноза Зоҳидова «Жигули» автомашинасига қизил ранг ярашади, деб ҳисоблайди. 3-синф ўқувчиси Яшнар Омонхўжаев эса «Жигули» яшил рангга бўлгани яхши дейди. Аслида уларнинг қайси синфда ўқишлари аҳамиятсиз. Ҳаммининг ўз диди бор-да, ахир...

● 5-синф ўқувчиси Мансурни синаб кўрмоқчи бўлди. — Автобуска қайси эшигидан кириш керак?

— Олдида.
— Чиқинида-чи, қайси эшигидан чиқиш керак?
— Олдида. Лекин орқасидан ҳам чиқиш мумкин.
● 214-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилфуза Қодирқулова дорилфунундаги имтиҳонларни топшираётгани сабабли мактабга келмади. Бироқ, болалар ўзбек тили ва адабиётисиз қолишмади. Уларга мактабнинг яна бир ўқитувчиси Муаттар Алимбекова дарс ўтмоқда.
Бу ҳангомалар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Ҳар бир артист учун одамлар юзидаги ҳароратни, юрагига сиғмаётган севинчу шодликни, кўнглига қуйилаётган эзгуликни кўрмоқлик ва ҳис этмоқлик олий бахтдир.

Суратда: пойтахтдаги циркда янги йил баъми.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

КАДРИЯТЛАРНИ ТИКЛАЙМИЗ

Авваллари кашшофлар ташкилоти аъзолари олиб борган ишларнинг кўпи рўйхатлардаги тadbирларни «ўтди», деб рапорт бериш учун ўтказилганини бугун дилдан ҳис этаёلمиз. Чунки, яқиндан бошлаб, болалар кўнглига мос, улар қизиқиб бажарадиган ишларни амалга ошира бошладик. Нега десангиз, ташкилотимизга ҳақиқий мустақиллик энди берилди.

Жумҳурият кашшофларининг навбатдан ташқари чақирилган слётидан кейин Жомбой туманидаги кашшофлар ташкилоти аъзолари ўз ишларини қайтадан кўриб чиқдилар. Кашшофлар ташкилоти эндиликда туман Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси деб атала бошланди. Ҳозирги кунда уюшма етакчиларини янги Устав ва дастурга асосланган ҳолда ўқита бошладик. Ўқув ишлари турли мактабларда ўтказилади. Бу эса етакчилар

билан бир қаторда ташкилот аъзоларининг ҳам малакасини ошираётти.

Кўпгина мактабларда ташкилот этилган уюшма аъзолари бугунги кунда янгиланган ташкилот ҳужжатларини ўзлаштириб олишти. Унга асосланиб турли қизиқарли ишларни бошлаб юборишти. Яқинда ана шундай ишлардан бири Ҳ. Олимжон номидаги 20-мактабда бўлиб ўтди. Бу ерда «Миллий каштачилик» кўриги ўтказилди. Мактаблардан иштирок этган қизлар ўзлари тиккан «Ёстиқнинг қоши», «Тўр ёстиқ», «Сув тортиш» деб номланган бир қанча кашта ишларини тақдим этишти. Аслида илгарилари болалар ташкилотининг иши ҳисобланмаган бундай тadbир унинг барча иштирокчиларига маъқул келди. Унда Д. Холбекова, Г. Уролова, Ф. Бобоқулова ғолиб бўлишти.

М. РАЖАБОВА,
Самарқанд вилояти.

ЯНГИЛАНГАН ТАШКИЛОТДА ИШЛАР ҚАНДАЙ?

Барабан ўрнига доира

Навбатдан ташқари чақирилган XVI слётдан кейин туман кашшофлар етакчилари йғилишиб, янгиланган Болалар ва Ўсмирлар Уюшмасининг мазмуни ва мақсади, фаолият дастури, ўқиш даврида қилинадиган ишларни режалаштириб олишти. Уюшма ишининг яхши ривожланиб кетиши учун унга ота-оналар, маҳаллалар фаоллари, ҳунарманд кишилар, ўқитувчилар, умуман, болалар ҳаётига бефарқ бўлмаган барчани жалб этишга қарор қилинди. Янги йилдан бошлаб уюшмамизни янгиладан рўйхатдан ўтказамиз ва унга аъзоликка қабул қилиш йўлларини ҳам ишлаб чиқаримиз. Кўпгина мактаблардаги уюшма аъзолари билан келишган ҳолда уюшмамиз атрибутларини ҳам ўзгартирдик: эндиликда горн ва барабан ўрнига мактабларимизда миллий мусиқа асбоблари янграйди. Режамизда кашшоф отрядлари ўрнига ёш ўлкашунослар, табиатшунослар, тикувчилар, ҳунармандлар каби кўплаб гуруҳлар ташкил этиш ҳам бор. Тез орада уларнинг иши қизиқ кетишига ишонаман.

Муҳаббат МАСЕЕВА,

Самарқанд тумани Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси раиси.

ЯНГИ МАКТАБДА

Учинчи чорак биз учун катта хурсандчилик билан бошланди. Янги 360 ўринли мактаб биноси қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилди. Кўпдан бери орзу қилиб юрган ниятимиз ушалди: биз ҳаммамиз бир сменада таълим ола бошладик. Бу эса тушдан кейин турли фан тўғрақлари, спорт секцияларининг фаолият бошлашига имкон яратди.

Самда ОДИЛОВА,

Фарғона вилояти, Киров тумани, Навоий номидаги мактаб ўқувчиси.

ЁШ КУЛОЛЧИЛАР



Бухоро вилояти, Қизилтепа туманидаги 29 мактабда 500 нафар ўқувчи таълим олади. Шулардан 30 ўқувчи кулолчилик касбига қизиқадилар.

— Эҳтимол, — дейди ўқувчиларга кулолчилик сир-асрорини чуқур ўргатаётган Тошпўлат ака Шарофов, — бир кун келиб бу қизиқиш улар учун севимли касбга айланар. Ана шунда улар яратган рангбаранг сопол буюмлар юк-

сак баҳоланиши аниқ. Чунки уларнинг бу ишга моҳирликларини биламан. Ҳозирча...

Ёш кулолчилар ясаётган сопол буюмлар — гултувак, пиёла, коса ва турли шакллардаги кўзачалар тумандаги «Ўқувчилар уйи»га топширилиб, ўрнига ҳар хил навли гулларни олмоқдалар.

Ҳ. ИЛЕСОВ.
СУРАТДА: ёш кулолчи Илсжон Ҳошимов ўзи ясаган гул туваклар билан.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Новосибирск шаҳри ички ишлар ходимлари яқиндан бошлаб янги ишга киришдилар.

● Мактаблардаги ечиниш хоналарида болаларнинг кийимлари йўқолавергач, ёрдамга келган ички ишлар ходимлари кийимларни ўғирланишининг олдини олиб, ечиниш хоналарида тартиб сақланишини ҳам кузатиб борадилар.

● Оренбург шаҳри, Красногвардейск туманидаги боғчалардан биридаги тарбиячилар исиниш мақсадида хонадаги барча электр асбобларини ишлатиб қўйишти. Аммо бунинг оқибати яхши бўлмади. Қучли портлаш юз берди. Худди шу вақтда ўз болаларини олиб кетиш мақсадида келган она ва унинг икки боласи фалокат остида қолишти...

● Бу йил Москвадаги Кремль саройида яна Янги йил базми нишонланди. Катталар бу улуғ байрамни саройда охириги марта қачон ўтганини эслаша олмайди. Аммо бу сафарги байрамга тақлиф қилинган 1500 нафар етим ва ногирон болалар уни умрларининг охиригача эслаб қолишлари аниқ.

● Озиқ-овқатларнинг тақчиллиги сабаб инсонлар шафқатсиз бўлиб кетишляпти. Магнитогорск шаҳри дўконларидан бирида сутга навбат кутиб турган 14 ёшли ногирон болани навбатдан туртиб чиқаришти. Тўрт соат навбат кутишдан чарчаган бечора бола унга ногирон сифатида навбатсиз сут беришларини илтимос қилган эди. «Соғлар» унинг қўлтиқтаёқларини синдириб, ўзини итариб чиқаришти. Эҳ, сиз катталар, «соғлом»лар...



Муҳарририятимизга кўпгина ота-оналар ўз фарзандларини, яқинларини, фарзандлар эса ота-оналарини туғилган кунлари билан қўтлаб, мактублар жўнатишган. Улар дил сўзларини рўзнома орқали эълон қилишимизни илтимос қилишган. Хоразм вилоятидан **ХОЛМУРОДОВ**лар оиласи фарзандлари Жамолбекни, Сирдарё вилоятидан **ЭГАМ-БЕРДИЕВ**лар оиласи ўгли Фурқатжонни, Фарғона вилоятидан **ҚУРБОНОВ**лар оиласи қизи Ферузани, Сурхондарё вилоятидан **ДУСАЕВ**лар оиласи қизи Ойсанамхонни, Қашқадарё вилоятидан **РАҲМАТОВ**лар оиласи ўгли Шерзоджонни, Тошкент вилоятидан **ДУСБЕКОВ**лар оиласи ўгли Икромжонни, Самарқанд вилоятидан **ОСТОНОВ**лар оиласи қизи Мадинабонунни, Наманган шаҳридан **АКБАРОВ**лар оиласи ўгли Ўткиржонни, Самарқанд вилоятидан **ИБРОХИМОВ**лар қизи Хуршидани, **ДАВИРОВ**лар оиласи оналарини, Наманган вилоятидан **МАҲАМАДИНОВ**лар оиласи оналарини, Қашқадарё вилоятидан **ХУДОИҚУЛОВ**лар оиласи қизи Барнони, Тошкент вилоятидан **ҚУРБОНОВ**лар оиласи қизи Нилуфархонни, туғилган кунлари билан муборакбод этишган. Уларга узоқ-умр, сihat-саломатлик, ўқиш ва ишларида муваффақиятлар тилаб қолишган. Муҳарририятимиз ходимлари ҳам уларнинг самимий дил сўзларига шерик бўлиб, эзгу ниятлар билдиради:



Жамолбек Холмуродовни туғилган кунини
Фурқатжон Эгамбердиевни 10 ёши
Феруза Қурбоновани 12 ёши
Хуршида Иброҳимовани 10 ёши
Ойсанамхон Дўсаевани 14 баҳори
Шерзоджон Раҳматовни 12 ёши
Гулнозахон Бухоровани 14 ёши
Аҳроржон Облоқуловни 8 баҳори
Давировлар оиласи волидаларини 54 ёшлари
Мадинабону Остоновани 10 ёши
Ўткиржон Акбаровни 8 баҳори
Икром Дўстбеков 9 ёши
Маҳамадининовлар оиласи волидаларини

Азиз ота-оналар, ака-опалар! Фарзандларингиз, ука-сингилларингизни, яқинларингизни қўтлаб ёзган табрикларингиз саҳифамизда эълон қилинди. Ёдингизда бўлса, табрик эълон қилдириш пулли. Кўпчилигингиз мактубингизда «табрик учун тўланадиган пулни қайси манзилгоҳга юборишни билмадик», деб ёзгансиз. Шу мақсадда манзилгоҳимизни яна бир бор эслатиб ўтишни лозим топдик:

Тошкент 700000, ПУШКИН КЎЧАСИ — 5. УЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ, ҲИСОВ-СЧЕТИ 000363805, КОД 172682328, КОРР.СЧЕТ 300166428.

Юқорида табрикларни эълон қилинган ота-оналар, оилалар шу манзилгоҳга 30 сўм миқдорда пул ўтказишлари лозим. Акс ҳолда номма-ном мурожаат қилишни лозим топамиз. «ТЮ» тижорат дирекцияси.

БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Барно Худойқулова 7 баҳори
Нилуфархон Қурбоновани 6 ёши

ЖАҲОН АДАБИЕТИ ХАЗИНАСИДАН

Худоё, отамни ва онамни ўз паноҳингда асра! Худоё, укаларимни ва сингилларимни ўз паноҳингда асра! Худоё, Данти ва Чарлз тоғани ўз паноҳингда асра! У чўқиниб олиб, тўшакка шўнғиди, кўйлагининг этагига оёқларини, ўраб чирмаб, аъзойи бадани титраб-қақшаб, муздай оқ чойшабининг ичига гужанак бўлиб кириб кетди. Қазо қилса агар, у дўзахга тушмайди, қалтироғи ҳа демай ўтиб кетади. Ётоқхонада болаларга хайрли тун тилаган товуш эшитилди. У бир зумга бошини чиқариб қаради, каравотнинг олди ва ён томонларига тортилган яшил пардаларга кўзи тушди, пардалар уни тўрт томондан бекитиб турарди. Газни секин пасайтириб ўчиришди.

маҳкам чангаллаган. Қари хизматкорларга маъносиз қарайди. Улар ҳам унга қарашди, ўз хўжайинларини юзидан, кийим-кечагидан танишди ва унинг ўққа учганини пайқашди. Бироқ улар қараб турган тарафда қоронғулик, ўлик сукунат ҳукмрон. Уларнинг хўжайини Прага остонасида, жуда узоқда, денгизнинг нариги томонида ўққа учган.

гувчи шайтон васвасасидан ўзини омон сақла...» Таътил бошланиб уйга кетасан! Бу қандай бахт! Болалар унга айтиб беришганди. Қиш бошланиши биланоқ эрта тонгда ҳамма қалъа дарвозаси олдида извошларга ўтириб олади. Филдираклар қайроқ тош йўлда гичирлайди. Ректорга кўл силқийсан: Хайр! — Ура! Ура! Ура!

Жеймс ЖОИС



Урисчадан А. ОТАБОЕВ таржимаси. РУМОНДАН ПАРЧА

У жанг майдонида кўли билан кўксини чангаллаганча қотиб турарди. Юзи доқадай, ғалати, эгнида оқ маршаллик либоси.

У, қандай совуқ, нақадар кўрқинчли бу ҳақда ўйлаш. Қоронғуда, айниқса баттар совуқ, жуда кўрқинчли. Тўрт томонда юзидан қон қочган, ғалати башаралар, бақрайган, фонарга ўхшаган кўзлар. Булар қотилларнинг шарпалари, узоқ-узоқларда, денгиз ортидаги қонли жанг майдонларида ўққа учган маршалларнинг арвоқлари. Улар нима демоқчи, нега уларнинг афти бундай ғалати?

«Худоё, мурувватингни дариг тутма, бизни йўлдан оздир-

Извошлар кичик бутхонанинг ёнгинасидан ўтади, одамлар кийимларини қўлларига олади. Шод-хуррамлик билан қишлоқ йўлига чиқилади. Аравакешлар қамчи билан Бунденстаун² томонга ишора қилади. Болалар қичқиради: «Ура!» Ижарачи Жоллиннинг уйи олдида ўтишади. Ура, ура ва яна бир ура! Шодон қийқириқлар билан Клейндан ўтишади, йўл четида турган одамларга қичқиришиб салом беришади, улар ҳам кулиб-қийқириб аллик олишади. Қия очик эшиклар олдида аёллар қараб туришибди, унда-бунда эркеклар ҳам кўринади. Қиш ҳавоси жуда ажойиб, ёмғир хиди, эриётган торф ва дех-

қонларнинг дағал уст-бошларидан унқийётган хид — бу Клейннинг ҳавоси.

Поезд болалар билан тирбанд: узун, шоколаднусха поезд. Кондукторлар эшикларни ёпиб-очиб юриб туришибди. Улар тўқ кўк мундир кийиб олишган: хуштаклари ярқирайди, калитлари қувноқ жиринглайди: клик-клик, клик-клик.

Поезд Эллин қирларини орда қолдириб, тап-тақир текисликда шитоб билан кетаяпти. Телеграф ёғочлари липиллаб ўтади... ўтади...

Поезд елдек учади... учади... Уларнинг уйларида фонарлар бор, яшил новдалардан ясалган гулчамбарлар бор. Печакгул ва игнабарлар³ катта тошойнани ўраб олган, печакгул билан игнабарг бири яшил, бири қирмизи, чатишиб, чилчироқнинг гирдини қоплаган. Яшил печакгул ва қирмизи игнабарг девордаги қадимги суратларнинг теварагига чирмашиб кетган. Печакгул ҳам игнабарг ҳам унинг учун, рождество учун.

Қандай соз! Ҳамма-ҳаммаси ўзингиники, ўз уйингда. Салом, Стивен. Шовқин...

Бу шарақлаб очилаётган парданинг, шўғиллаб қуйилаётган сувнинг шовқини эди. Уйғонаётган, кийинаётган ва ювинаётганларнинг шовқини эди бу: назоратчи қарсек чалиб нарибери бориб келар, болаларни

қистаб бақирарди... Қуёшнинг заиф нурлари туриб қўйилган сариқ пардаларга, ғижимланиб ётган чойшабларга тушиб турибди. Унинг тўшаги тандирдай қизиб кетган, юзи, аъзойи бадани ловуллаб ёнарди.

У ўрнидан туриб каравотнинг четига ўтирди. Узини дармонсиз сезди. Узун пайпоғини киймоқчи бўлди. Пайпоғи қўлларига жуда қаттиқ теги, дағал туюлди. Қуёш ҳам аллақандай тафтсиз, сўник.

Флеминг сўради: — Ҳа, тобинг қочдимми сенинг?

У ўзи билмайди нима бўлганини. Флеминг тағин деди: — Тўшагинга кира қол. Мен Макглейдга айтаман, тоби қочиб қолди, дейман.

— У касал. — Ким? — Макглейдга айтишлар. — Кир, кириб ётавер. — У бетобми?

Болалардан бири қўлтигидан ушлаб суяб турди, у оёғига ёпишиб қолган пайпоғини суғуриб олди ва яна иссиқ тўшакка кириб ётди.

У чойшабга ўралиб олди, тўшаги совуқ қолмаганига севинди. Унинг қулоғига эрталабки ибодатга чоғланаётган болаларнинг ўзи ҳақидаги пап-сўзлари чалинди. Аблаҳлик қлиди-да ҳожатхона тешигига утариб, дейишарди улар.

Давоми бор.

1. Клонгоус қалъасига XVIII асрда Браунлар оқласи эгаллик қилган. Ирландия якобитининг ўғли Максимилиан фон Браун [1705—1757] Австрия армияси маршали бўлган. У 1757 йили Прага остонасидаги жангда ҳалок бўлган. Ривоятларга кўра, Брауннинг арвоғи ҳар йил ҳалок бўлган кун қалъа хизматчиларига кўринаркан.

2. Қабрстон, ирландиялик сиёсий арбоб, Ирландия озод-

лиги учун курашган Теобальд Уолф Тон [1763—1798] шу ерга дафи этилган. У фаранглар кўмагида Ирландияга денгиз орқали келиб тушади ва инглизларнинг Ирландияга ҳукмронлигини бартараф этишга уринади. Бу уриниш муваффақиятсизликка учрайди ва Тон ўз жонига қасд қилади.

3. Рождество байрамининг аънавий безаклари.

ИЖОДКОРЛАР БИРЛАШИШДИ



Мактабимиздаги янгиликларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Жумҳурият кашшофларининг навбатдан ташқари XVI слётидан кейин мактабимиз дружинаси аъзолари ҳам ўз йиғилишларини чақириб, келажакдаги ишларини белгилаб олишди. Дружина эндиликда Болалар ва Ўсмирлар Уюшманинг кичик жамоаси сифатида иш бошлади. Жамоа қошида умуммактаб тадбирларини ишлаб чиқувчи, тарбиявий соатлар, сиёсий ахборотлар ўтказувчи, болалар ҳуқуқ ва қонунларни

ҳимоя қилувчи уюшмалар, рассомлар, санъаткорлар, ихтирочи ва конструкторлар, ҳунармандлар ижодий уюшмаси иш бошлади. Болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси аъзолари ўзларига маъқул шу уюшмаларга бирикиб, ҳунар ўрганадилар, санъат билан шуғулланиб борадилар.

Болаларнинг фикри билан барча уюшмалар ўз раисини, мактаб президентини сайлайдиган, ҳар бир ижодий уюшма ўз нишонини, ўз иш кундалигига эга бўладиган бўлди.

Ижодий уюшмалар ихтиёрий равишда тузилгани учун улар ўз режаларини ўзлари ишлаб чиқдилар. Уюшмаларга 4-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчилар аъзо бўлишди.


Ҳозирда янги фаолият кўрсата бошлаган ушбу уюшма аъзоларининг биринчи қадамлари кўзга ташлана бошланди. Мусиқа муаллимаси Р. Иноятова бошқараётган «Санъаткорлар ижодий уюшмаси» аъзолари жумҳурият телевидениеси орқали ўз дастурларини намойиш этишди.

А. Кенжаев раҳбарлик қилаётган «Журналистлар» ижодий уюшмаси аъзолари эса бир қанча шеър, хабар ва мақолалари билан вилоят ва жумҳурият матбуотида чиқдилар.

Ҳозирча болалар бошланган ишга зўр қизиқиш билан киришдилар. Биз бу қизиқиш, интилишнинг сўнамслиги учун ҳаракат қиламиз.

Д. ТУКОВА,

Бухоро вилояти, Когон туманидаги 7-мактабнинг болалар етакчиси.



ШОЙРЛАР — БОЛАЛАРГА

Абдуқоюм ИҶДОШЕВ

Болалик

Уйда олти гўдак жовдираб қолган — Эшикда аридай қаچار саратон. Симёғочда шиор — қовжираб

сўлган: «Меҳнатимиз сенга, Ватан-Онажон!» Манглайга намақоб суради самум, Ёнжирлаган ўпка қўсади тупроқ. Туси ўчган шиор: «Режа тўлган кун Элу юрт олдида юзимиз оппоқ!» Нега чўнқайдингиз лабингиз тишлаб, Бел яна санчдимиз, Ойкумуш янга. Тенамизда шиор: «Тулу кун ишлаб Фидо этажакмиз жонни Ватанга!» Янга-ёв, жилмаймоқ бўлиб уринманг, Тиклашга уринманг дол қаддингизни. Гарчанд кетмонингиз кўтаролмайман, Кўтариб кетаман мен ўзингизни...

Гўмбаз остида эшитманларим

ОЛМАХОН

Атрофимда турфа қиёфа, Олқишларга мени кўмарлар. Қарсақлару хитоблар аро Мўл-кўл ёнгоқ бериб қўярлар. Югураман ҳеч тиним билмай, Силжиёлмай бир жойдан ҳамон Утса-да ой, йил... мен — ойнаванд Қафасдаги шўрлик чопоғон.

ИЛОН


Гарчанд ситиб олишган захрим, Лекин менга нима бу банда. Сулайтириб қўйишим мумкин Думим билан битта урганда. Ё бўйнига ўралиб олсам, Бўғсам... Бироқ... ахир... ошқазон... Ҳар кун тушда мана шу одам Келтиради менга қўш кўён.

ХУТИК

Битта жойда ўсади дарахт, Сабр тағи сап-сариқ олтин. Мана, хизмат қилиб кўп фурсат, Мукофоту унвоилар олдим. Санъатимни қаранг: бежаб сал, Олд-оргимга осниси рақам, Утирганлар бариси бирдай «Волга!» дейди... ҳанграб турсам ҳам...

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати: В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).



Табъис этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ.

Бизнинг мавзилгоҳимиз: ТОШКЕНТ, ШАҲРИ. 700083, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЯ.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЕТ.

МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИНИНГ БОСМАХОНАСИ.

Тошкент шаҳри. 700083, Ленинград кўчаси, 32-уя. Чоп этиш вақти — 18.00.

БУЮРТМА № 30. НАШР КЎРСАТКИЧИ — 64563.